



Американинг Renub Research тадқиқот компанияси ҳалол ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва дунёнинг барча жойларида истеъмол динамикаси хақида ҳисобот тарқатди. Тадқиқот маркази ҳалол озик-овқат бозорининг 2027 йилга келиб 11% га ўсишини тахмин қилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳалол саноат инкирозлар даврида ҳам барқарор ривожланмоқда. Улар ҳалол маҳсулотларга бўлган талабнинг ошишини дунёда мусулмон

аҳолиси ўсиб бораётгани билан боғлайдилар. Ҳалол озик-овкат маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари Жануби-Шарқий Осиё аҳолиси бўлиб, у ерда дунё мусулмон аҳолисининг деярли 62% яшайди. Repub Research тадқиқотларига кўра, ҳалол маҳсулотлар тозалиги ва юқори сифати туфайли ушбу ҳудуддаги барча дин вакиллари орасида машҳур.

Кўпчилик мамлакатларда ҳалол озик-овкат бозорида асосан минтакадан минтакага фарк килувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этади. Лекин глобал компаниялар ушбу бозор қисмининг истикболларини кўриб, унга ҳам инвестиция киритишни бошлади. Мисол учун, Nestlé хайвон ёғларисиз кандолат маҳсулотлари ва сут кукуни ишлаб чиқариладиган Чембонгдаги ўз заводини ривожлантириш учун бир миллион Малайзия ринггити (240 минг доллар) инвестиция килди. Заводда ишлаб чиқарилган товарларнинг факат учдан бир қисми Малайзия бозорида сотилади, қолганлари экспорт қилинади.